

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Рўйхатта олинди  
№ \_\_\_\_\_  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019  
й



ҚУРИЛИШДА СМЕТА ИШЛАРИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси :	300 0000	Ишлаб чиқариш техник соҳа
Таълим соҳаси:	340 000	Архитектура ва қурилиш
Таълим йуналиши:	5340200	Бино ва иншоотлар қурилиши

Бухоро – 2019 й.

Фаннинг ўқув дастури Бухоро муҳандислик-технология институтининг  
20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - сон кенгаши қарори билан  
тасдиқланган

Фан дастури Бухоро муҳандислик-технология институти  
“Бино ва иншоотлар қурилиши” кафедрасида ишлаб чиқилди

Тузувчи:

Ҳ.А.Қаххоров “Бино ва иншоотлар қурилиши” кафедраси катта  
ўқитувчиси

Тақризчилар:

Ф.Б.Усмонов “Бино ва иншоотлар қурилиши” кафедраси доценти, т.ф.н.

М.С. Эгамбердиев – ТИҚХММИ БФ “Умумқасбий фанлар”  
кафедраси доценти, т.ф.н.

“Механика” факультети декани  доц. Муродов Ш.М.

“Бино ва иншоотлар қурилиши”  
кафедраси мудирин :

доц. Рўзиев Ҳ.Р.

## **I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни**

Ушбу “Қурилишда смета ишлари” Бино ва иншоотлар қурилиши” таълим йўналишлари бўйича бакалавр - қурувчиларни тайёрлашда бино ва иншоотлар қурилиши курси сифатида билимини ошириб, капитал қурилишнинг асосий масалалари – қурилишнинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли ва ўрни, унинг хусусиятлари, тармоқлараро алоқалари, бошқарув тизими, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қурилиш иқтисодиётини ислоҳ қилиш муаммолари қўриб чиқилади. Қурилиш фаолиятини ишлаб чиқариш бирликлари миқёсида режалаштиришнинг хусусиятлари, қурилиш индустриясининг ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳияти, қурилишда фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари ҳамда уни баҳолаш усуллари, қурилишда нархнинг шаклланиши, фойда ва рентабеллик масалалари, қурилишда бухгалтерия ҳисоби, ва аудит ҳамда қурилиш ишлаб чиқаришини диверсификациялаш масалалари баён қилинади.

«Қурилишда смета ишлари» фани танланган фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, 3-курс 6-инчи семестрида ўқитилиши назарда тутилган.

## **II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси**

Фани ўқитишдан мақсад – талабаларда Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари молиялаштиришнинг марказлаштирилган ва шу каби манбалари ҳисобига амалга оширилаётган янгидан қурилаётган, кенгайтирилаётган, реконструкция қилинаётган ва қайта техник жиҳозланаётган корхоналарни, бино ва иншоотларнинг капитал таъмири ва капитал реконструкцияси (қурилиш), шунингдек бино ва иншоотларнинг жорий таъмирланишида қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархларда аниқлаш бўйича асосий қоидаларни белгилаб беради.

### **Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

#### **1-мавзу. Қурилишда баҳони шакллантиришнинг умумий масалалари.**

##### **Қурилишда нархларни шакллантириш усуллари.**

Объект қурилишининг шартномавий нархлардаги баҳоси. Лойиҳани дастлабки босқичини амалга оширишда қурилиш объекти баҳосини аниқлаш. Қурилишнинг бошланғич баҳосини жорий нархларда (ресурс усулида) аниқлаш.

#### **2-мавзу. Капитал қурилишда баҳони шакллантиришнинг смета-норматив базаси.**

Қурилишда нарх шакллантириш учун ресурсларни сметали меъёрлашнинг асосий вазифалари. Қурилишда нарх шакллантириш учун зарур смета норматив ҳужжатлар тизимига кирувчи ресурсли смета нормативларнинг турлари. Элементли смета ресурс нормалари ва уларни ишлаб чиқиш тартиби. Иқтисодий нормативлар ва уларнинг қуйи тизими

#### **3-мавзу. Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қоидалари.**

##### **Қурилиш таъмирлаш ишлари сметаси тузилиши.**

Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қоидалари. Танлов савдоларида катнашиши учун пудратчи ташкилотлари томонидан қурилиш

баҳосини жорий нархларда аниқлаш. Объектлар ва ресурс смета ҳужжатларининг турлари.

**4-мавзу. Асосий иш ҳақи харажатлари ва уларни шакллантиришга таъсир қилувчи омиллар.**

Иш ҳақи тушунчаси ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизими. Иш вақти фонди. Қурилишнинг бошланғич баҳосини жорий нархларда аниқлашда иш ҳақи учун сарфланадиган харажатлар.

**5-мавзу. Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари харажатлари. Ускуналар, мебель ва инвентарлари харажатлари.**

Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари харажатлари. Ускуналар, мебель ва инвентарлари харажатлари.

**6-мавзу: Объект қурилиши қийматини аниқлашда машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатларини шакллантириш.**

Қурилиш машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатларини шакллантириш смета ресурс нормалари. Объектнинг жорий нархлардаги дастлабки баҳосини аниқлашда машина ва механизмлар эксплуатацияси учун сарфланадиган харажатларини аниқлаш. Машина ва механизмлар эксплуатациясининг жорий нархлардаги қиймати.

**7-мавзу. Қурилиш-монтаж ишларида пудратчининг бошқа харажатлари ва уни ҳисоблаш. Буюртмачининг бошқа харажатлари.**

Буюртмачи ва пудратчининг “бошқа харажатлар”ни аниқлашнинг меъёрий асослари. Буюртмачи “бошқа харажатлари”ни таркиби ва уларни аниқлаш тартиби. Пудратчининг “бошқа харажатлари”ни аниқлаш тартиби. Шартномавий жорий нархлардаги қурилиш нархига пудратчининг “бошқа харажатлари”ни (миқдорини) даражасини қўллаш тартиблари. Пудратчининг “бошқа харажатлари” да ҳисобга оланадиган харажат моддалари.

**8-мавзу. Республикада марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига инвестиция лойиҳаларини шакллантириш.**

Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда аниқлаш. Объектлар қурилишининг иккинчи ва кейинги йилларида шартномавий жорий нархларда қурилиш шартномавий қийматини аниқлаштириш.

**9-мавзу. Капитал қурилишда танлов савдолари ва уларни ўтказиш тартиби.**

Капитал қурилишда танлов савдолари ва уларнинг аҳамияти. Танлов савдолари турлари ва улар иштирокчилари. Капитал қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва тартибга солиш.

**2.2. Амалий машғулотлар мавзулари , ажратилган соатлар**

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

Мавзу-1. Қурилишнинг бошланғич баҳосини жорий нархларда (ресурс усулида) аниқлаш.

Мавзу-2. Қурилишда нарх шакллантириш учун зарур смета норматив ҳужжатлар билан ишлаш;

Мавзу-3 Элементли смета ресурс нормалари ишлаб чиқиш;

Мавзу-4. Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда ҳисоблаш ;

Мавзу-5 Иш ҳақи учун сарфланадиган харажатларни ҳисоблаш;

Мавзу-6. Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари харажатлари ҳисоблаш;

Мавзу-7 Қурилиш машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатларини ҳисоблаш ;

Мавзу-8. Пудратчининг “бошқа харажатлари”ни ҳисоблаш ;

Мавзу-9 Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда ҳисоблаш;

Мавзу-10. . Объектлар қурилишининг иккинчи ва кейинги йилларида шартномавий жорий нархларда ҳисоблаш;

Мавзу-11. Капитал қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ;

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

### **Мустақил иш мавзулари ва уларга ажратилган соатлар**

1. Лойиҳани дастлабки босқичини амалга оширишда қурилиш объекти баҳосини аниқлаш.
2. Иқтисодий нормативлар ва уларнинг қўйи тизими.
3. Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қоидалари.
4. Иш вақти фонди.
5. Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари харажатлари
6. Объектнинг жорий нархлардаги дастлабки баҳосини аниқлашда машина ва механизмлар эксплуатацияси учун сарфланадиган харажатларини аниқлаш.
7. Шартномавий жорий нархлардаги қурилиш нархиға пудратчининг “бошқа харажатлари”ни (микдорини) даражасини қўллаш тартиблари
8. Пудратчининг “бошқа харажатлари” да ҳисобга олинандиган харажат моддалари.
9. Объектларни қурилиш қийматини шартномавий жорий нархларда аниқлаш.
10. Капитал қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва тартибга солиш.
11. Капитал қурилишда танлов савдолари ва уларнинг аҳамияти.
12. Танлов савдолари турлари ва улар иштирокчилари.

**Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари**  
**Асосий адабиётлар**

1. **Нормы и расценки на новые технологии в строительстве** (Справочник инженера-сметчика). Под ред. Горячкина П.В. 2004 год.
2. **Составление смет в строительстве на основе сметно-нормативной базы 2001 года.**  
Практическое пособие. Под редакцией Горячкина П.В. 2003 год.
3. **Консультации по вопросам ценообразования в строительстве.** Горячкин П.В. 2004 год.
4. **Сметы на строительные и ремонтные работы по новой нормативной базе (в трех томах).** Тома 1, 2, 3. Под ред. Носенко И.Ю. 2002 год.
5. **Шпаргалка сметчику.** 2006 год.
6. **Основы сметного дела в строительстве.** Н.И. Барановская, А.А. Котов. 2005 год.  
Учебное пособие для образовательных учреждений.

**Қўшимча адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Т. "Ўзбекистон". 2016й. 486 бет.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т., Ўзбекистон. 2017 й. 102 бет.
3. **Ценообразование и составление смет в строительстве.** Ардзинов В.Д. 2006 год.
4. **Системные подходы к определению цен и управление стоимостью в строительстве.** Справочное пособие с методиками и примерами расчетов. Резниченко В. С., Ленинцев Н. Н. 2005 год.  
2-е издание подготовлено Российской инженерной академией и Международной академией инвестиций и экономики строительства.
5. **Сметное дело в строительстве. Самоучитель.** Ардзинов В.Д. и др. 2009 год.
6. **Сметный расчет стоимости в строительстве (базисно-индексный метод).** Методические указания. Комаринский М.В. 2006 год.
7. **Определение сметной стоимости, договорных цен и объемов работ в строительстве на основе сметно-нормативной базы ценообразования 2001 года. Практическое пособие.** Степанов В.А., Симанович В.М., Ермолаев Е.Е. 2006 год.

**Интернет сайтлари**

1. [www.taqi.uz](http://www.taqi.uz)
2. <http://ziyonet.uz/>

